# I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-июнь ойларида вилоят корхоналари томонидан 3 711,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 109,2 фоизини ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 88,0 фоизини (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,5 фоизи), ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш индекси 109,8 фоизга (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 94,8 фоизи), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 103,7 фоизга (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,8 фоизи) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 87,6 фоизга (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,9 фоизи) ўсиши ҳисобланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да)*

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган**

**саноат маҳсулоти турлари**

*(йирик корхоналар бўйича)*

| | *Ўлчов бирлиги* | *2019 йил январь-июнь* | *2018 йил январь-июнга нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| Шағал | тн | 11 022,0 | 86,8 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | тн | 60 506,3 | 103,6 |
| кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар | тн | 32 843,0 | 86,7 |
| Миллий нон | тн | 21,9 | 48,8 |
| Тозаланган ўсимлик ёғи | тн | 6 687,0 | 92,0 |
| Пахта толаси | тн | 21 777,0 | 71,4 |
| Пахта чигити | тн | 32 408,0 | 71,6 |
| Пахта линти | тн | 1 513,0 | 86,7 |
| Ишлов берилган суюқ сут | тн | 1,2 | 30 |
| Ароқ - минг литр 100% спирт | тн | 186,8 | 34,8 |
| Коньяк спирти - минг литр 100% спирт | тн | 29,2 | 39,4 |
| Хом ипак (пишитилмаган) | тн | 0,6 | 5,0 |
| Пахтадан йигирилган ип ишлаб чиқариш | тн | 4 532,0 | 100,9 |
| Таркибида 85 мас.% ёки ундан кўп пахта толаси бўлган, устки зичлиги 200 г/кв.м дан кам ип газламалар | тн | 3 407,0 | 36,7 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | тн | 163,8 | 121,9 |

| | Ўлчов бирлиги | 2019 йил январь-июнь | 2018 йил январь-июнга нисбатан % да |
|---|---|---|---|
| Трикотаж ёки тўқилган устки кийимлар | минг.дона. | 53,2 | 25,3 м. |
| Ичдан кийиладиган трикотаж кийимлар | минг.дона | 309,4 | 2,7 м. |
| Электр энергияси | млн кВт/с | 63 861 636,0 | 113,2 |
| Иссиқлик энергияси | минг гкал. | 45,9 | 78,6 |
| Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар | минг сўм | 1 751 4848,0 | 148,0 |
| Оқава сувларнинг шлами | минг сўм | 1 974 550,0 | 104,8 |
| Шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар | минг сўм | 8 831 215,0 | 3,2 м. |
| Хавфсиз металл чиқиндилар | тн | 2 284,3 | 15,4 |

**2019 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, % да |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **3 711,9** | **109,2** |
| **Фойдали қазилмалар қазиб олиш (тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш) маҳсулотлари** | **18,1** | **88,0** |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, % да |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | **3 518,4** | **109,8** |
| *ундан:* | | |
| озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 767,5 | 113,8 |
| ичимликлар ишлаб чиқариш | 126,9 | 117,1 |
| тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 156,9 | 96,8 |
| кийим ишлаб чиқариш | 465,6 | 115,4 |
| тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 118,5 | 119,9 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 12,5 | 116,7 |
| қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 25,2 | 95,2 |
| ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 1,3 | 87,6 |
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 5,7 | 96,0 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **141,6** | **103,7** |
| **Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **33,9** | **87,6** |

***Ишлаб чиқарадиган саноат технологик таркиби***

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 4,8 % ни (2018 йил январь-июнь ойларида - 2,8 % ни ), ўрта-юқори технологиялини улуши 5,9 % ни (5,9 % ), ўрта-қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши - 9,6 % ни (12,6 %), қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши 79,7 % ни (78,7 %) ташкил этди.

**2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**




## ***Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш***

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (111,8 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 66,5 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

**(2019 йил январь-июнь ойлари учун)**



**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)*




2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 69,8 % дан 2019 йил январь-июнь ойларида 68,5 % га ошиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 30,2 % дан 2019 йил январь-июнь ойларида 31,5 % га камайиши кузатилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида пиво ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш хажми 8,5 млрд.сўмни ташкил қилиб ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш сурьати 57,1 % ни ташкил қилди.

Ноозиқ-овқат истемол товарлари таркибида тўқимачилик ҳамда кийим кечак ишлаб чиқариш хажми 1156,9 млрд.сўмни ташкил қилиб, мос даврга нисбатан ўсиш суръти 96,8 % ни ташкил қилди.

## ***Туман(шаҳар)ларнинг саноат ишлаб чиқариши***

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Тўрақўрғон тумани (2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 128,4 % га), Чуст тумани (122,2 % га), Наманган шаҳри (110,7 % га), Поп (106,0 % га), Учқўрғон (104,8 % га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажми индексининг ўсиши таъминланди.

**Туман(шаҳар)лар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми индекснинг ўсиш суръатлари**
*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*




Ҳудудлар ичида ўсиш суръати паст даражада бўлган Поп (96,6 % га), Норин (97,6 % га), туманларида камайганлигини кузатиш мумкин.

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 43,2 % улушини), Наманган тумани (11,6 %), Учқўрғон (9,9 %), Тўрақўрғон (9,4 %), Уйчи (6,6 %), Поп (4,2 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Туман(шаҳар)ларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши % да**
*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*



**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми**

*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*

| | *Саноат маҳсулотлари (млрд. сўмда)* | *2018 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да* | *Истеъмол товарлари (млрд.сўмда)* | *2018 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **3 711,9** | **109,2** | **2469,9** | **111,8** |
| Наманган ш. | 1 604,0 | 110,7 | 1163,7 | 111,8 |
| Мингбулоқ | 97,3 | 103,7 | 22,3 | 107,6 |
| Косонсой | 143,8 | 106,0 | 103,3 | 113,0 |
| Наманган т | 431,1 | 115,4 | 261,5 | 110,9 |
| Норин | 73,4 | 97,6 | 50,4 | 112,9 |
| Поп | 155,6 | 96,6 | 62,2 | 100,3 |
| Тўрақўрғон | 350,8 | 128,4 | 203,3 | 113,9 |
| Уйчи | 244,6 | 102,3 | 159,7 | 111,1 |
| Учқўрғон | 366,0 | 104,8 | 223,9 | 107,0 |
| Чортоқ | 49,2 | 102,0 | 48,7 | 110,4 |
| Чуст | 146,5 | 122,2 | 133,4 | 130,8 |
| Янгиқўрғон | 49,6 | 100,5 | 37,5 | 104,7 |

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Наманган шаҳрида (2607,5 минг сўм), Наманган туманида (2457,1 минг сўм), Учқўрғон (2167,3 минг сўм) ва Тўрақўрғон

(1582,7 минг сўм) туманларида ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (1342,6 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

**Туман(шаҳар)лар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми,** *минг сўмда*
*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*




Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Наманган шаҳрида (2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 108,4 %), Тўрақўрғон (125,8 %) ва Чуст (120,0 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Норин (95,9 %) ва Поп (94,9 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

***Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси***

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,6 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 71,0 % ни ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон ва Чортоқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Косонсой (100,0), Наманган (86,9 %), Уйчи (84,9 %) ва Тўрақўрғон (78,2 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (22,6 %), Поп (32,7 %) туманларида кузатилди.

**Туман ва шаҳарларнинг кичик бизнесдаги улуши,% да**

*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*



### *Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши*

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастурга киритилган 27 та лойиҳа бўйича 48,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**
*(январь-июнь ойлари учун)*

| | ***2019 йил*** | ***2018 йил*** |
|---|---|---|
| **Лойиҳалар сони, *бирлик*** | 27 | 41 |
| **Корхоналар сони, *бирлик*** | 15 | 21 |
| **Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*** | 48,2 | 103,9 |
| **Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, *минг. АҚШ долл.*** | - | 93,42 |
| **Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*** | 3 | 71 |

### *Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари*

Бугунги кунда вилоятда 5,2 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2267 таси Наманган шаҳрига, 382 таси Чуст, 379 таси Уйчи, 359 таси Наманган, 314 таси Тўрақўрғон, 332 таси Косонсой, 197 таси Чортоқ, 233 таси Учқўрғон, 210 таси Янгиқўрғон, 195 таси Поп, 219 таси Норин, 110 таси Мингбулоқ туманларига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда 961 та саноат соҳасида корхоналар янги ташкил этилган бўлиб, асосан Наманган шаҳри, Косонсой, Учқўрғон, Норин ва Уйчи туманларига тўғри келади

**Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**

*(2019 йил 1 июль ҳолатига)*




Мингбулоқ туманида 36 та, Косонсой 86 та, Наманган тумани 65 та Норин 81 та, Поп 43 та, Тўрақўрғон 61 та, Уйчи 75 та, Учқўрғон 84 та, Чортоқ 30 та, Чуст 70 та, Янгиқўрғон туманларида 52 та ва Наманган шаҳрида 278 та саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этилган.